Ozodlik uchun o'limga tayyor xalqqina Ozodlikka loyiqdir

ERKIN YURT

O'zbekiston Xalq Harakatining rasmiy nashri

№ **203**/ 07.02.2016

Қирғизистоннинг жанубидаги Қорасув шаҳарчасининг "Ас-Сарахсий" масжиди собиқ имоми Рашод Камолов қарийб бир йилдирки, тергов изоляторида ўтирибди. Ўтган йилнинг декабрь ойининг илк куни иккинчи босқичдаги Ўш вилояти суди уни диний адоват қўзғатиш ҳамда экстремистик материалларни сақлаш ва тарқатишда айбдор деб топиб, 10 йиллик қамоққа ҳукм қилди. Жанубий Қирғизистондаги таниқли дин пешвоси устидан ўтказилган суд мустақил диндорларни таъқиб қилиш жараёнининг муҳим босқичи бўлди.

Ёруғлик етишмади

Сўнги суд мажлиси мобайнида

РАШОД КАМОЛОВ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ БУЮРТМАСИ ҚУРБОНИМИ?

Ўш вилоят судининг зали деярли қоронғи эди: жараён тушдан сўнг, соат 17 ларда бошланиб, хонани ёритадиган саккизта лампочкадан фақат иккитаси ёниб турди. Судьяларга бунинг аҳамияти йўқ эди шекилли, ёки бу масала билан шуғулланишга вақтлари етмаган. Бошқа томондан олиб қараганда, давлат лампочка билан таъминламаган бўлса, ҳеч бўлмаса иш шароитини яхшилаш учун ҳам лампочкани ўз пулига сотиб оладиган даражада бой бўлмасалар керак.

Рашод Камоловнинг миллати ўзбек, у таниқли дин арбоби Муҳаммадрафиқ (Рафиқ қори) Камоловнинг ўғлидир. Нуфузли француз исломшуноси, профессор Стефан Дюдуаньоннинг фикрича, Рафиқ Камолов ва унинг дом-даракси йўқолган қариндоши Абдували қори Мирзаевлар (йўқ қилинмасидан олдин) иттифоқдан кейинги даврда Марказий Осиёдаги "ислоҳотчи ислом" соҳасида етакчи шахслар бўлишган. Рашоднинг отасини 2006 йил бошларида Қирғизистон Ҳавфсизлик идоралари террористларга кўмак беришда шубҳа қилиб, сўроққа чақиришган, аммо ҳибсга олишга етарли асос бўлмагани учун қўйиб юборишган. 2006 йилнинг августидаМуҳаммадрафиқКамолов ҳарбий блокпостдан ўтаётган пайтида махсус кучлар томонидан отиб ташланган. Кейинчалик расмийларнинг маълум қилишича, бу қотиллик ўзбек ва қирғиз махсус хизматларининг Ўш вилоятида бўлиб ўтаётган террористларга қарши махсус амалиёти пайтида амалга оширилган.

Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, Рашод Камолов ҳам отасига ўхшаб, турли ислом партиялари, жумладан, "Ҳизб-ут-Таҳрир" аъзоларининг ўз масжидида ибодат қилишига рухсат берган, аммо бу ташкилотга алоқаси йўқлиги ва унинг ислом халифалиги тузиш мақсадини қўллаб-қувватламаслигини очиқ эълон қилган.

Суд жараёни пайтида, вилоят суди коллегиясининг панжара ортидаги инсоннинг тақдирига умуман лоқайдлиги яққол кўриниб турди. Шундай тасаввур уйғонардики, худди ҳукм олдиндан тайёрлаб қўйилган, судья бирпасдан кейин ҳукмни ўқиб эшиттирмоқчи бўлгандек эди.

Давлат қораловчиси сифатида қатнашаётган прокурор Гулнора Эркинбоева суд пайтида нуқул телефонда гаплашиб ўтирарди. Унга биронта ҳам судья танбеҳ бергани йўқ. У ўзининг шахсий ишлари юзасидан тезроқ кетишни истаб тургани билиниб турарди. Бу аёл ҳукм ўқилишини ҳам кутиб ўтирмади – балки қанақа ҳукм чиқишини ҳам олдиндан билгандир.

Биринчи интстанция суди уч ойга чўзилди. Деярли барча гувоҳлар Камоловни ҳимоя қилиб кўрсатма бердилар. Аммо Ўш вилоятининг собиқ қозиси Ниязали Арипов ва диний ишлар бўйича давлат бошқармаси мутахассиси Абдираим Канатов имомга қарши кўрсатма беришди. Иккаласи ҳам қуйидаги гапни Камолов айтган дея деярли сўзма-сўз тасдиқлашди: "Халифалик бўлмайди деб даъво қилувчилар кофир бўлади. Халифаликни тузганларга таъзим қилишимиз керак".

Деярли барча гувоҳларнинг кўрсатмасига кўра, амри-маъруфларда имом халифалик

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

тузишга чақирмаган ва “конституцияга қарши” сўзларни айтмаган. Аксинча, Камолов “радикализмнинг таъсирини камайтириш йўлида катта ишлар қилган”, — деб тасдиқлашди.

Адвокат Ҳусанбой Салиев билан унинг икки ҳамкасби прокуратурага кучли зарба бериш мақсадида судга бир нечта экспертнинг ёзма кўрсатмаларини тақдим этди. Қирғизистон мусулмонлари диний идораси тақдим қилган ҳужжатда “халифалик” тушунчасига таъриф берилган эди. Бошқа бир ҳужжатда прокуратура томонидан жалб қилинган, Дин ишлари бўйича давлат қўмитаси экспертининг баённомасига диний масалалар бўйича бишкеклик бир эксперт баҳо берган эди. Учинчи ҳужжатда москвалик ҳуқуқ ҳимоячи Виталий Пономаревнинг Қирғизистон президенти маъмурияти учун тайёрлаган тавсиялари келтирилган эди.

Нима бўлганда ҳам, бишкеклик экспертларнинг кўрсатмалари судьяларга таъсир қилмади, Виталий Пономаревга эса судда сўзлашга рухсат берилмади: айбловчи томон Қирғизистонда ҳам мутахассислар етарли эканини айтиб, хориждан гувоҳ жалб қилинишига қаршилигини билдирди. Суд бу фикрга қўшилди.

Рашод Камоловнинг ушланганининг эртаси матбуот анжумани ўтказиб, журанлистларга тезкор маълумотларни етказган Қирғизистон ИИВсининг 10-бошқармаси бошлиғи Раим Салимов, Қорасув туманида яшайдиган 10 киши “Ас-Сарахсий” масжиди имоми устидан шикоят аризаси билан мурожаат қилганини айтган. Шикоятчилар таъкидлашича, имом уларнинг фарзандларини Суриядаги урушга боришга даъват қилган экан. Бироқ, бўлиб ўтган бир нечта суд жараёнларида биронта ҳам жабрланувчи сифатида инсон қатнашиб, панжара ортида ўтирган Рашод Камоловга қарши кўрсатма бермади.

Атамбаевга мурожаат

Рашод Камолов, 2015 йилнинг 6 май куни Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаевдан уни асоссиз таъқибдан ҳимоя қилишни сўради.

Қирғизистоннинг Ўш вилояти Қора сув туманида жойлашган “Ас-Сарахсий” масжидининг собиқ имоми, Суриядаги жангларда иштирок этиш учун одамларни тайёрлаш ва юборишда айбланиб 2015 йилнинг 9 феврал куни ҳибсга олинган, Рашод Камолов 6 май куни президент Алмазбек Атамбаевга очиқ хат билан мурожаат қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини алоҳида ходимларининг ўз мансабларидан фойдаланган ҳолда уни жазолашга урунишларининг олдини олинишини сўраган.

Камоловнинг фикрича, унга қарши “айбсизлик презумпциясини бузган ҳолда” ахборот кампанияси ташкил қилинган, унинг маърузаларини таҳлил қилиш натижасида экспертлик хулосаларини берган одамлар диний таълимга эга эмас ва нутқлар олиб борилган ўзбек тилини тушунишмайди. Қолаверса дин ишлари бўйича давлат комиссияси суднинг эксперт ташкилоти эмас, диний тадқиқотларни ўтказиш учун эса ҳали ҳам малакавий талаблар ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари Камоловни ҳалифаликни тарғибот қилиш ва ҳукуматни зўравонлик билан ўзгартиришга ундашда айблашларига тўсқинлик қилинмади. Собиқ Ўшлик имом эса унинг матнларида бундай айбловларга асос бўладиган ёзувлар йўқлигини таъкидлаган.

Рашод Камолов ишида Ўзбекистонинг таъсири?

Судда сўнгги сўз берилганида Рашод Камолов Қорасув шаҳри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинган ёлланма қотил ҳақида гапирди. “Ўтган йили ёзда Азиз исмли киллер Қорасувга келган. Кейинчалик у расмий Тошкентнинг буюртмаси билан мени жисмонан йўқ қилишга келганини тан олган. Азизнинг ўзи илгари Ўзбекистон махсус хизматларида ишлаганини айтиб берган”, — дея сўзлаб берди Камолов.

Унинг айтишича, бу киллер Қирғизистон жиноий кодексининг тўртта банди бўйича жазо олган: “Давлат чегарасини ноқонуний тарзда кесиб ўтиш”, “Ноқонуний тарзда қурол-яроқ сақлаш”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилларига ҳужум қилиш” ва “Суиқасд қилиш”. У 17 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони Бишкекдаги қатъий режимли колонияда ўташи белгиланган.

“Шунга қарамай, яқинда уни тушуниб бўлмайдиган ҳолатда қамоқдан чиқариб юборишган ва у Ўзбекистонга қайтиб кетган. Унинг бўшатилишидан ким манфаатдор эканлиги ҳозирча номаълум. Балки уни сиёсий ёки иқтисодий манфаатларни кўзлаб қўйиб юборишгандир”, — деб қўшимча қилди Камолов.

“Камолов иши” ортида ўзбек махсус хизматлари турган бўлиши мумкинми, деган саволимизга собиқ имом аниқ бир нима дея олмаслигини, чунки унда далил йўқлигини айтди. “Менимча, бу ишни шу тарзда ҳал қилишдан манфаатдор учинчи томон бор, улар Қирғизистонда диндор ёшлар ва куч ишлатар тизимлар ўртасида тўқнашув юз беришини истайдилар. Кейин “Сурия модели” бўйича тартибсизликлар уюштириш мақсад қилинган”, — деб тахмин қилади Рашод Камолов.

Суд жараёнида маълум бўлишича, Ўзбекистон тергов органлари Қирғизистонга Ўзбекистондаги иккита маҳбуснинг батафсил сўроқ протоколларини юборган. Бу маҳбуслар берган кўрсатмаларига кўра, улар Туркияда Камолов билан учрашганларида, Камолов у ерда мусулмонларни Қирғизистондаги ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашга чақирганини кўришган эмиш.

Рашод Камолов Ўзбекистондан юборилган ҳужжатларни “Каримов режимининг сиёсий буюртмаси” деб атади. Шунингдек, Рашод Камолов қўлга олинганидан кейин Ўзбекистоннинг бир қатор ҳукуматпараст интернет нашларида имомга қарши маълумот ҳуружлари бошланди. Nuz.uz сайтида «Ким террорист Рашода Камоловни қутқармоқчи бўлаяпти” мақоласи шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Рашод Камолов фамилияси “ўлимга ҳукм қилинганлар” рўйхатида борлигини ҳам айтди. Бу рўйхат имом Абдуллоҳ Бухорийни отган Мирзаголиб Ҳамидовда топилгани айтилади. Эслатиб ўтамиз, ўзининг мухолиф қарашлари билан таниқли бўлган имом 2014 йил 10 декабр куни эрталаб Истамбулдаги уйи ёнида отиб кетилган эди.

Шунингдек, ишончли манбадан олинган маълумотга кўра, Рашод Камоловнинг қўлга олиниб, узоқ муддатга судланиши Ўзбекистон

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

Ҳукуматининг лойиҳасидир.

“Ўзбекистон аввалдан Рашодни йўқотиш режасида бўлган. Аввалига киллер жўнатган, у ишни эплай олмаганидан кейин, бу йўлга ўтишди, яъни Қирғизистон куч тузулмалари раҳбарлари ёрдамида имомни қамадилар. Рашод Камолов қамалишидан аввал Ўзбекистондан келган киллерни Қирғизистон МХХсининг Ўш вилояти бўлими ходимлари ушлаган ва уни судлаб, узоқ муддатда озодликдан маҳрум этганлар. Кейинчалик киллерни ғайриоддий йўл билан қамоқдан чиқариб, Ўзбекистонга ўтказиб юбориш учун Ўшнинг МХХ бўлими бошчиси 50000 доллар миқдорида, имомни қўлга олиб, узоқ муддатли қамоққа ўтирғизиш эвазига Қирғизистон Ички Ишлар вазири Мелис Турғанбаев 50000 доллар миқдорида Ўзбекистондан пора олганлар ва натийжада улар бу ишларни қилдилар” – дейди манба.

Виталий Пономарев — Камолов иши ҳақида

Россиядаги “Мемориал” ҳуқуқ ҳимоя марказининг Марказий Осиё дастури раҳбари, ислом экстремизмига оид жиноий ишларнинг мониторинги соҳасидаги мутахассис, Рашод Камоловнинг иши бўйича ўз хулосасини берган Виталий Пономарев бўлиб ўтган суд жараёнини шарҳлаб берди:

“Бу жараён муҳим аҳамиятга эга, чунки у диндорларнинг фундаментал ҳуқуқларига таъсир қилади. Иккала инстанциядаги суд ҳам инобатга олмаган ва кўриб чиқмаган эксперт хулосасида Камоловнинг ҳукм қилинишига асос бўлган экспертизалар мантиқий таҳлил қилинган.

Унда кўрсатилишича, экспертизада очиқ-ойдин номувофиқликлар мавжуд, бир нечта ҳолатда экспертлар ўз ваколати доирасидан ташқарига чиққан, фактларга мос келмайдиган хулоса чиқарган, бундан ташқари, бундай экспертизаларни ўтказиш услубиёти мавжуд эмас, илмий адабиётларга ҳавола берилмаган… Буларнинг ҳаммасидан суд томонидан қабул қилинган экспертиза илмий асосдан мосуво ва холислик талабларига мос келмайди, деган хулоса чиқариш мумкин.

Қуйидаги тахминни айтиш мумкинки, қўшни мамлакатдан қирғиз расмийларига сиёсий буюртма бўлган, Камоловни ўлдиришга ҳаракатлар бўлган, бу суиқасд Қирғизистон ахборот воситаларида ёритилмади. Қирғизистонда таниқли шахс бўлган бу одамни ёлланма қотил ёрдамида йўқотишнинг иложи бўлмаган, бошқа усулни қўллашган.

Суд жараёни тизимдаги иккита муаммони юзага чиқарди. Биринчиси – Қирғизистонда ҳозирга пайтда диний экспертиза ўтказилишининг самарали тизими ҳали яратилмаган. Иккинчи муаммо – Бакиев замонида Жиноят кодексига экстремистик материалларни сақлашга жавобгарликнинг таърифи киритилган эди. Менинг фикримча, бу таъриф бемаъни. Биронта экстремист оқим ёки мафкура билан баҳслашмоқчи бўлган ҳар қандай эксперт, ҳар қандай фаол шахс бу материаллар билан танишиш имкониятига эга бўлиши учун уларни қўлига олиб, китоблари орасида сақлаши керак. Бунақанги таъриф МДҲ бўйича ҳеч қайси давлатда йўқ, бу Бакиевдан қолган мерос бўлиб, афсуски, 2010 йил воқеаларидан кейин Жиноят кодексига бунга тузатиш киритилмаган”.

Қасосми ёки ҳимоя?

Камоловнинг фикрича, бу айбловнинг асосида у 2014 йилнинг 4 июлида жума намози пайтида “халифалик” сўзига аниқлик киритгани ётади. Бундан ташқари, 2014 йилнинг 23 декабрида Ўш шаҳрида бўлиб ўтган диний арбоблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг учрашуви давомида у органларга қарата танқидий фикрлар айтган, одамлар милиция ва махсус хизмат ходимлари томонидан таъмагирлик ва пўписаларга дуч келаётганлари борасида шикоят қилганини билдирган.

“Ўша куни мен расмийлардан Сурияга чиқиб кетаётган ёшларнинг муаммоларига эътибор қаратишни сўрадим. Ўша нутқим кимгадир ёқмаган, кейин менга нисбатан жиноий иш қўзғатилди”, — деди Камолов.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, Рашод Камоловга нисбатан очилган жиноий иш – уни суиқасддан ҳимоялашнинг бир усулидир.

“Кейинги йилларда Рашод Камоловга босим кучайиб кетди, ҳаттоки суиқасд қилишди – имомни излаб келган киллер воқеаси ҳам буни тасдиқлайди. Рашоднинг ўзи Ўзбекистонга қарши ҳеч нима қилмаган. Балки ўзбек расмийлари ва махсус хизмат ходимлари Рашодни ўзининг душмани деб биладилар: у халифалик ҳақида Қуръонга таянган ҳолда очиқ гапирар эди. Киллер жўнатиш операцияси муваффақиятсиз тугагач, улар Қирғизистон томонига босим ўтказиб, Камолов ислом ғояларини тарқатишини тўхтатиш учун уни панжара ортига жўнатишни таклиф қилишгандир. Иккинчи вариант ҳам бор. Балки қирғиз расмийлари шу тариқа Камоловни ташқи хатардан, жумладан Ўзбекистондан ҳимоя қилмоқчидир. Бизга маълумки, шу йилнинг бошида махсус хизмат ходимлари Рашодга мамлакатни тарк этишни таклиф қилишган, лекин у бунга рози бўлмаганди. Рашоднинг отаси ўлдирилганидан сўнг халқаро ҳамжамиятдан танбеҳ эшитган Қирғизистон расмийлари бу ҳолат қайтарилмаслиги учун имомни қамоққа олиб, унинг хавфсизлигини таъминламоқчидир”, — дея тахминини баён қилди ўз исмини очиқлашни истамаган ҳамсуҳбат.

Каримов тузумининг сиёсий қурбонлари

Таҳлилчиларга кўра, бу

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

судланиб узоқ муддатга қамалган Рашод Камолов Ислом Каримов тузумининг сиёсий буйруқ қурбонларидан биридир.

2007 йилнинг 24 октябрида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида отиб кетилган журналист Алишер Соиповга ҳам Ўзбекистон ҳукумати тарафидан таъзийқларга учраган, унга қарши муъулумот ҳуружлари унинг сўнги лаҳзасигача давом этиб келган.

Ўзининг ўткир мақолалари билан Каримов тузумининг кирдикорларини ошкор қилиб келган Алишер Соиповга, бу йўлидан қайтариш мақсадида тузум тарафидан бир нечта ҳамкорлик таклифлари ҳам бўлган. Миллий Ҳавфсизлик Хизмати зобити дея тахмин қилинган Бахтиёр исмли одам Алишернинг уйига бир неча маротаба келган ва унинг оиласи билан яқин алоқада бўлишликка, уларга Ўзбекистон билан тижорий ҳамкорлик қилиш учун кўндиришга ҳаракат қилган. Бироқ, на Алишер ва на у нинг оиласи МХХ зобитининг таклифини қабул қилган. Ёш, принципиал журналистни, ўз йўлидан қайтара олмаган "мехмон" Алишернинг ўлимидан бир ҳафта аввал унинг уйига келган ва уни сўнги марта огоҳлантирган. Орадан ўзоқ вақт ўтмай, 2007 йилнинг 24 октябрида Алишер ўз офиси олдида номаълум шахс тарафидан отиб кетилган. Орадан қарийб 9 йил ўтган бўлсада, лек бу қотиллик ҳануз очилганича йўқ.

Шунингдек, 2011 йилнинг 24 сентябр куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли, Россиянинг Иваново шаҳар Жомеъ масжиди имом-хатиби Фуад Рустамхўжаев ҳам ўз уйи олдида отиб кетилган.

Қотиллик ҳамон фош қилинмаган.

Россияда кейинги йиллар ичида бир нечта мусулмон жамоалари раҳбарлари ўлдириб кетилган.

2010 йилнинг 10 октябрида уйига кетаётганида номаълум шахслар томонидан ўз машинасида отиб кетилган Янги Уренгой масжиди имоми Исомуддин Акбаров шулар жумласидандир. Асли Наманган вилоятининг Уйчи туманидан бўлган 51 ёшли Исомуддин Акбаров 90-йиллар ўрталаридан буён Янги Уренгой масжидида имомлик қилиб келган.

Исомуддин Акбаров қотиллари ҳам ҳанузгача аниқланмади.

57 ёшли Обид қори Назаров 2012 йилнинг 22 февралида Швеция шимолидаги Стромшунд шаҳарчасида ўз уйи йўлагида номаълум шахс томонидан отиб кетилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг ашаддий танқидчиларидан бўлган Обид қори Назаров ҳамон шифохонада ётибди.

Тазийқ ва суиқасдлар бошланиши

Ўзбекистон мустақиллик йилларидан ноқўзига мухолиф бўлган шахсларни зарарсизлантириб, уларни қамаб, ўлдириб келади.

1992 йили Ўзбекистоннинг Олий Кенгаши депутати Муҳаммад Солиҳ, депутатликдан воз кечиб, президент Ислом Каримовга очиқ қарши чиққанидан кейин унга тазйиқлар бошланади. Ўша йилнинг октябрь ойида Муҳаммад Солиҳ ўзи асос солган "Эрк" партияси офиси яқинида, уйига кетаркан, уни машина билан уриб кетишга ҳаракат қилинади.

1992 йилнинг сентябрь ойида "Эрк" партиясининг 3-қурултойида Муҳаммад Солиҳни қўллаб нутқ сўзлаган Бухоролик Эломон Киризров ҳибсга олиниб, турмада уриб ўлдирилган.

1994 йилнинг ноябрь ойида "Интерфакс" агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Сергей Гребенюк президент Ислом Каримовни танқид қилгани учун Москвада ушланиб, Тошкентга олиб келинган ва МХХнинг ертўласида ўлдирилган, жасадини эса Салар каналига ташлаб юборилган. Бу воқеани Каримов шахсан Беларуссия президенти Лукашенкога мақтаниб айтиб берган. Лукашенко эса бу ҳақда "Совершенно Секретно" дастурида журналист Михаил Маркеловга айтиб беради.

2000 йили Норвегияда мухолифат лидери Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд ташаббуси бўлади. Буни Ўзбекистон Ички Ишлар вазири Зокир Алматов, полковник Ботир Турсунов ва "Интерполнинг" Ўзбекистон бўлими бошлиғи Маҳмуд Хаитовлар чеченларга буюртма берганлиги фош бўлади ва суиқасд бартараф этилади.

Эргаш Сулаймон

Бу не миллат бўлди

Гоҳида ёзар экансан, ўзингни кучли эканингни унутасан. Зулм, золим ва жабру ноҳақлик қаршисида матонат билан курашга шайланганинг худди ёдингдан чиқади.

Одамларнинг дилини оғритмайман деган қасдинг тумандай хаёлинг водийсида тарқаб кетади.

Сизга очиғини айтаман – мен бу мақолани умуман ёзишни истамас эдим. Бу мақолани ёзиш мен учун осон кечгани йўқ. Бу мақолани ёзишда аввалгиларига қараганда минг карра оғирроқ руҳий босим остида бўлдим.

Сизга яна очиғини айтайин – ҳар сафар она юртим, жонажон миллатим ҳақида қайғуриб ёзар эканман, сира ҳам ҳузур қилмайман. Ватанимнинг бугун изтироб ичра қолгани, халқимнинг бир аҳволда экани мени эзиб ташлайди. Шунинг учун танқид тиканлари қайралиб турган мақолаларим аслида қалбимдаги азоб кўзёшларидан сув ичган. Сиз менинг мақолаларимни ўқир экансиз, шуни унутманг. Зотан, азоб кўзёшларидан сув ичган ниҳолда ҳеч қачон гул очилмайди, унда тикан ниш уради.

Исроил Субҳон деган бухоролик шоир Муҳаммад Солиҳни ўзи учун идеал деб биларди. Солиҳни у "Бўри" дер эди: "Солиҳ тикка ҳужум қилади. Орқаданмас. У шунинг учун Бўри!"

Кейин 1991 йил президентлик сайловида Исроил Субҳон одамларга қарата "Каримовга овоз беринглар!" деб тарғиб қилди. Бу мени лол қилди: одам шунчаликка борадими?..

Сайлов ўтди. Каримовнинг кўчасида байрам бўлди. Бир неча йил оралатиб шоир билан учрашдим. Унинг мунофиқлиги сабабини сўрадим. У жавоб берди:

"Муҳаммад Солиҳ… – деди бироз тараддуд билан. – Болтиқбўйи давлатларидан истаганига президентлик қила олади. У Германия, Туркия, Франция, керак бўлса, Россияни ҳам бошқариш қобилиятига эга. Мен уни биламан. Лекин Ўзбекистон халқига у увол. Халқ унинг ғояларини тушунмайди. Ўзбек халқи унинг бағрикенглиги, адолати ва мурувватини тушунмайди… Бизнинг халққа бир жаллод керак эди. Эшакка яраша тушови деб Каримовни тарғиб қилдим. Ўзимча бу билан Солиҳни бир балодан асраб қолмоқчи бўлдим…"

Ҳайрон бўлдим. Ёш эдим. Тушунгандек ҳам эдим, тушунмагандек ҳам эдим.

Бугун эса Исроил Субҳонни яхши тушуниб турибман. Тушунганим учун, унинг ҳақлигига иймон келтирганим учун изтиробларимни беркитиш учун кучим етмаяпти. Гап Муҳаммад Солиҳда эмас. Гап ўз тарихида минглаб солиҳларни улғайтирган халқнинг аҳволида.

Келинг, ҳаммасини сал батафсил айтиб берай.

30 январь – Каримовнинг туғилган бўлди. Президент 78 ёшга тўлди. Унинг 27 йиллик бошқаруви остида миллат харобадаги миллатга айланди. Советнинг 70 йиллик зулми битта – Каримовнинг 27 йиллик зулми битта бўлди.

У шахсий очкўзлиги, манфаатпарастлиги йўлида бутун мамлакатни молхонага айлантирди. Бутун мамлакат унинг учун хизмат қиладиган қуллар барагига айлантирилди.

Ўзбекистон тарихида ҳали бирор марта қорин тўйдириш учун халқ ўзга юртга қарам бўлмаган эди. Аммо бу даврда шундай бўлди.

Совет даврида қувилганлар учун юрт эшиклари қулфланди. Дин, адабиёт, санъат, иқтисод Каримовнинг истак ва хоҳишларини бажарадиган ускуна сифатида ишлай бошлади. Бутун бошли авлод манқуртлик ичида улғайтирилди.

Шу золим 78 ёшга кирганда ижтимоий тармоқларда тарқалган юз минглаб табриклардан лол қолдим! Уни шарафлаб, отам дея табрик айтишда пойгалашган оломондан бошим айланди.

Бу не миллат бўлдики – бошидаги золимни бу қадар эъзоз этади!

Олтмишни қоралаб қолган ёши улуғлардан тортиб яқинда тухумдан чиққан гўдаклар ҳам уни табрик этди.

Асло биз бахиллик қилмаяпмиз, айтмоқчиманки – уларни нима мажбур қилди бу табриклар учун? Бу қадар мақтовлар учун одамларни нима рағбатлантирди? Хорижда итдай қул бўлиб ишлаётган акаларими? Укаларими? Фарзандларими? Бутун мамлакатни эгаллаб олган коррупциями? Бутун мамлакатни қонли панжасида тутиб турган миллий хавфсизлик хизматими?

"Озодлик" сайти намойиш қилган видеода Россияда қулдек ишлаётган ўзбек йигитлари Каримовга мадҳ айтишди. Улар чин дилдан гапиришдими? Йўқ! Улар қўрқиб гапиришди. Агар танқидий гап айтсам, Ўзбекистонда оиламни бу тузум қон қақшатади деб Каримовни мақтади. Қўрқув уларни манқуртга, орсиз ва номуссиз мавжудотга айлантирган.

Билсак, бутун мамлакат халқининг катта қисми қўрқувдан талвасага тушиб қолибди: ижтимоий тармоқлардаги табриклар шунга далолат қилмоқда.

Одамлар кўр-кўрона бир-бирига эргашиб Каримовга ҳамду сано ўқидилар. 30 январ куни оқшомда "Маданият ва маърифат" телеканали эса Каримов шахсини улуғлашга бағишланган "Куч – адолатда" деган "ҳужжатли фильм" намойиш қилинди.

Унда илгари сурилган ҳар бир факт уйдирма эди. Сўзга чиққанларнинг ҳар бири – Сафар Остонов, Рой Медедовми, чолми, кампирми – ҳаммаси ёлланган эдилар. Каримовнинг "доно" нутқлари эса жуда ҳам ҳашаки ва маъносизлиги билан ёдда қолар эди. Буларнинг барчасини кўриб турган одамлар эса уни мақташ борасида беллашдилар.

Биз ўтган мақолаларимизда спорт шарҳловчиси Диёр Имомхўжаев ҳақида илиқ гаплар айтган эдик. Унинг жасорати, ёзиш услуби ва маҳоратини эътироф қилгандик. Қарангки, "қаҳрамонимиз" бизнинг бу таърифлар хато эканлигини исботлади: у Каримов шаънига бағишлаб катта мақола ёзди, у билан фахрланишини иддао қилди. Унинг учун тост айтди.

Демак, бу "журналист" ҳам қўрқоқлиги, жон ширинлиги важидан шу ишга қўл урди. Чунки у Каримов 75, 76, 77 ёшга тўлганида тост айтмаган эди. У айнан бу йил тост айтди. Демак, унинг бу мақтовномаси замирида қўрқув ётибди. Унинг номи Халқ ҳаракати

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

сайтида ижобий баҳоланди. У чўчиб кетди ва зудлик билан позициясини ўзгартирди – ҳамма қатори ҳуркаклар сафидан жой олди.

Зотан, жасорат соҳибининг ким эканлиги ана шу пайтларда намоён бўлади.

Каримберди Тўрамурод исмли хоин эса, соч-соқолига оқ оралаганига қарамасдан Каримовга пахта ёпиштириб, унинг таваллуд кунини Миллий байрам қилайлик деб кўпчиликнинг бошини қотирди.

Шу пайтгача Каримовнинг туғилган куни бу қадар оммалашмаган эди.

Бу ҳолнинг сабаблари қуйидагича:

• Охирги йилларда ижтимоий тармоқлар Ўзбекистонда кенг оммалашди. Бу эса ахборот алмашинуви, фикр баён қилиш имконини берди;

• Одамлар онги шу қадар паст ва қолоқ шаклда қолганки, Каримовнинг асл башарасини кўрмайдилар. Кўрсалар ҳам кўз юмадилар ва уни мақтайдилар.

Албатта, бу ҳолдан энсаси қотганлар ҳам бор эди.

Президент матбуоти Каримов шахсини улуғламаслик ҳақида баёнот қабул қилишга ҳам тўғри келди.

Бунинг бир қанча сабаблари бўлиши мумкин:

• Бу билан Каримовнинг қанчалик "камтар"лигини кўрсатиш;

• Каримовнинг куни битгани учун унинг номини кўтар-кўтар қилишни пасайтириш;

• Каримовнинг ўзига бу мақтовлар махарабозлик ёки мазах бўлиб туюлгандир. Ҳарқалай, жиноят учун бу қадар мадҳ ўқисалар, жиноятчи ҳам уялса керак-да!

Шу уч сабаб туфайли ушбу баёнот эълон қилинган бўлиши мумкин. Шунингдек, Фарғона вилояти ҳокимиятида Каримовнинг бюсти ўрнатилгани ҳам ушбу баёнотда айтилган. Эҳтимол, Каримов ўзи бошқараётган халқнинг бу қадар қўйлигидан энсаси қотгандир, шунинг учун ўзининг шаънига қилинаётган мақтовларни қабул қилгиси келмагандир.

Мени азоблаган нарса – бугун ўзбек миллати ўзини шу қадар ерга ургани бўлди. Демак, миллатимиз фикрламас экан-да! Золимни фарқлай олмас экан-да! Ўзини сўяётган жаллодга шу қадар пайтава бўлар экан-да!

Эмоцияларимни базўр жиловлайман. Йўқ дейман ўзимга ўзим, умид бор... Бу миллат чинакам миллатга айланиши учун умид бор. Зотан, унинг иймонли фарзандлари ҳали кўп, алҳамдулиллаҳ.

Абдуллоҳ Нусрат

Андижонда Қатлиомдан 10 йил сўнгра илк намойиш

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Андижон вилояти Улуғнор туманининг Учкўприк қишлоғида истиқомат қилган 17 яшар Тоҳирни «Андижонбалиқ» жамиятининг қоровуллари якшанбага ўтар кечаси уриб ўлдириб қўйган. Жамият мулозимлари бола балиқ ўғирлашга келган пайти ўзи сувга чўкиб ўлганини иддао қилмоқда. Якшанба куни Учкўприк қишлоғининг юзга яқин аҳолиси боланинг қотиллари жазоланишини талаб қилиб чиқишди.

Улуғнор туманининг Учкўприк қишлоғида истиқомат қилган 17 яшар Тоҳир исмли бола 30 январь куни кечаси шу қишлоқ ҳудудида жойлашган "Андижонбалиқ" ҳиссадорлик жамиятига қарашли сунъий ҳовузлардан бирида калтаклаб ўлдирилди.

Бу ҳақда Озодликка хабар берган учкўприклик манбага кўра, балиқ овлашга борган болани "Андижонбалиқ" жамиятининг қоровуллари ўлдириб қўйган:

"Воқеа якшанбага ўтар кечаси содир бўлган Бу бола бизнинг қишлоқдан. Кечаси ҳовузга балиқ ўғирлагани борган. Қоровуллар тутиб олиб, уриб ўлдириб қўйишган. Битта балиқ учун ҳам одамни ўлдириш мумкинми? Лекин, энди бу боланинг оёғини томири сувда тортиб, сувга чўкиб ўлган деб айтишяпти", деди манба.

Унинг айтишича, воқеанинг эртаси куни юзга яқин қишлоқ аҳолиси боланинг қотили жазоланишини талаб қилиб, маҳалла фуқаролар йиғини олдида норозилик билдирган:

"Бола ўлганнинг эртаси куни ҳамма бундан жуда дарғазаб бўлди. Юзга яқин одам, аксарияти аёллар, болани ўлдириб қўйган қоровулларни жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилишди. Ҳокимиятдан вакиллар келди, ҳамма ёқни милиция босди. Ҳоким ўринбосари бу иш албатта ўрганилишини, ҳақиқат қарор топтирилишини айтганидан сўнг, кечга бориб одамлар тарқалди", деди манба.

Улуғнор тумани ички ишлар бўлимининг исми сир қолишини сўраган мулозими 17 яшар бола ҳовузда ўлганини Озодликка тасдиқлади. Бироқ, мулозим бу ишни айни пайтда прокуратура ўрганаётганини айтиб, бошқа маълумот беролмаслигини айтди.

Учкўприк қишлоғидаги маҳалла фаолларидан бирининг Озодликка айтишича, расмийлар боланинг ўлимида қоровулларни айбсиз қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда:

"Бу балиқ ҳовузларини қурганлар орқасида танкалари бор бақувват одамлар. Улар унча-бунча ишни бости-бости қилиб юборадиган одамлар. Энди улар болани сувни ичида узоқ ўтириб, оёғини томири тортиб қолиб, чўкиб ўлган дейишяпти. Лекин унинг баданида калтакланиш аломатлари яққол кўриниб турган эди. Экспертиза ҳам нотўғри маълумот берган. Шунинг учун ҳам қишлоғимиз аҳолиси бунт кўтариб чиқди", деди маҳалла фаолларидан бири.

Улуғнор тумани прокуратурасидан бу масалага изоҳ олишнинг имкони бўлмади.

ЎХҲ хабарлар бўлими

Ўзбекистон «иқтисоди репрессив» мамлакат

Би-Би-Си ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШдаги Heritage Foundation жамғармасининг йиллик «Иқтисодий эркинлик индекси»да Ўзбекистонни 178 давлат орасида 166-ўринни эгаллаган.

Heritage Foundation Ўзбекистон иқтисодини «репрессив» дея таърифлаган. Ўзбекистон бу йилги рўйхатда Марказий Африканинг Чад (164) ва Конго (163) сингари давлатларидан ҳам ортда қолган. Минтақада Туркманистондан ташқари барча давлатлар эгаллаганди эди. Бу йилги рўйхатда мамлакатнинг умумий баҳоси 47 дан 46 га тушган.

«Давлат молия соҳасига фаол аралашади»

Ўзбекистон 2015 йилда ҳам иқтисоди «репрессив» бўлган давлатлар қаторига киритилган. Heritage Foundation ҳисоботида айтилишича, Ўзбекистонда коррупция авж олган ва суд ҳокимияти президентга бўйсунади.

Ҳисобот муаллифларининг фикрича, Ўзбекистонда «қудратли шахслар жазосиз фаолият олиб боришади» ва «давлат молия соҳасига фаол аралашади». Айни пайтда ҳисобот Ўзбекистоннинг савдо эркинлиги ва монетар эркинлик каби бандлар бўйича кўрсаткичларни яхшилаганини қайд этган.

Иқтисодий эркинлик рўйхатида бу йил ҳам биринчи ўринни Гонг Конг эгаллаган.

Биринчи учликка шунингдек, Сингапур ва Янги Зеландия ҳам кирган. Индексда АҚШ 11-ўринни эгаллаган. Буюк Британия ва шунингдек, собиқ совет давлатлари орасида Эстония биринчи ўнталикка кирган. Дунёнинг иккинчи йирик иқтисоди бўлмиш Хитой эса 144-ўринда.

1995 йилдан буён чоп этиб келинадиган ҳисобот дунёнинг 186 давлатидаги иқтисодий шароитлар ва ҳукуматлар сиёсатини таҳлил қилади.

ЎХҲ хабарлар бўлими

Шайх Нажмиддин Кубро. «Одоб қоидалари» рисоласидан

…Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим, қийинчиликларга йўлиқдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишларга қадам босдим, нарса-ҳодисаларнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё кезиш билан ўтказдим, ажойиботларни кўрдим. Кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез шошилиб, йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан. Дунёю охират яхшилигини қаноатда дунёю охират ёмонлигини эса таъмада кўрдим.

Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч экан.

Ҳамма фузалою фусаҳо, мунажжиму билимдонларни бир чивин қанотини яратишдан ҳам ожиз, боши айланган, ночор… ўз ожизлиги ва нуқсонини тан олган кўрдим…

Бас, яратиш, буюриш, билим ва қудрат соҳиби ҳар қандай нуқсонлардан покдир.

… Оллоҳ билимдон, қудратли, мислсиз. У ҳар нарсани эшитиб, кўриб турувчидир. Энг гўзал безак тавозелик, энг хунук нарса бахиллик экан.

Ҳусни хулқ (чиройли хулқ) дан кўра яхшилик қўшадиганроқ, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиганроқ нарсани кўрмадим.

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан.

Подшоҳлар қалбларидаги қаттиқроқ дийда, камбағал учун ямоқларни бир-бирига улашдан кўра чиройлироқ зийнат кўрмадим.

Тўғри сўзликдан кўра гўзалроқ зийнатни кўрмадим.

Ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо қилиш, одатларнинг энг маъқули ва чиройлиги эса гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиши экан…

… Вақтни «эссиз», «қанийди», «кошкийди» лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа умр экан.

Муваффақиятни саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрднм.

Хору зорликни маҳлуқлар хизматида, азизу мукаррамаликни эса Холиқ хизматида бўлишда кўрдим.

Қизиқувчини (кўнгил берган) машғул, зоҳидни эса бекору фориғ хоҳловчини излаётган, даъвогарни ёлғончи кўрдим.

Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишда, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим. Нафсни шармандалик ва дўзах сари (одамларни) ҳайдашда кўрдим. Очкўзлик за гуноҳкорлик ботқоғига ботганларни, исрофгарларни кўрдим. Жаннатга киришни ҳалол ейиш ва маҳал (амримаҳол) бажариб

бўлмайдиган ишларни тарк қилишда кўрдим. Дўзахга йўлни эса ҳавойи нафсда кўрдим.

Кўрдимки, шайтоннинг халойиққа султон бўлиб олиши дунёни яхши кўришликда экан.

Уликлардан уларнинг ҳолатлари, (қолган) уйлари ва молу давлатларидан ибратланмаган кимсаларни нодонликда, Оллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошган кимсаларни эса бахтсизликда кўрдим.

Кўрдимки, инсонга келадиган барча офатлар тилда экан.

Кўрдимки экмаган ўрмайди.

Шафқат қилмаганга шафқат қилинмайди.

Алданишдан сақланинг. Сақланинг.

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан… ақлли эса яхшиликларга чорлашда кўрдим…

Кўрдимки, ўз-ўзини тарбиялай олган ва шаҳватлардан тийила олган киши энг кучли экан.

"Фақирлик ҳақида рисола" (арабчадан Муқим Маҳмуд таржимаси). «Сиҳат-саломатлик» журнали, 1994 йил, 6-сон

Афсуски, ҳатто ўзини мухолифат тарафида санайдиган баъзи бир Абдираҳим Пўлатовга менгзаш докторлик унвонига эга кимсаларнинг, бу кабиларни ўттиз йиллаб англаб ета олмагани, юртнинг ҳалокат ёқасига келиб қолишида миллатнинг эмас, унинг зиёлиларининг кўпроқ айби борлигини кўрсатади.

Абдираҳим Пўлатов "Бирлик"ка асос солган Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий фаолиятидаги энг катта хатоси эди.

Муҳаммад Солиҳ хоҳламаганда эди, Абдираҳим Пўлатов "Бирлик"нинг остонасидан

ИСМАТ ХУШЕВНИНГ "ПРЕЗИДЕНТ, МУХОЛИФАТ ВА МХХ" МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

(Исмат Хушевнинг "Ўзбек мухолифати ва махсус хизматлар фаолияти ёки Ўзбекистон президентининг ўз мухолифларига нисбатан тоқатсиз муносабати хусусида" мақоласини ўқиб)

Ўзбекистонда битта муаммо бор. У ҳам бўлса – президент Ислом Абдиғаниевич Каримов.

У 27 йил давомида келтириб чиқарган асоратлар, эрта бир кун нафақат Ўзбекистонни, бутун Марказий Осиё Республикаларини издан чиқариш учун етиб ортади.

Каримов ҳокимиятдан кетгандан кейин ҳам, унинг шарпаси ёвуз руҳ сингари Ўзбекистонни бир неча йил таъқиб қилиши муқаррар.

Бу «Муаммо» Марказий Осиёда Яқин Шарқ фожиасини келтириб чиқармасдан олдин унга қарши минтақадаги соғлом кучлар бир мақсад йўлида бир жабҳага бирлашмоқлари лозим.

Ўзбекистон Ироқ, Сурия каби боши берк кўчага кириб қолса, бутун минтақани хароб қилади.

Туркистон келажагини асраб қолмоқ учун биринчи галда, ўзбекистонликлар кўпроқ жон куйдирмоқлари керак.

Миллатнинг бой-камбағал, зиёли-оми қатламлари бир муштга айланиб, бир ёқадан бош чиқазсалар, муаммода ечимини топмоқдан ўзга чора қолмайди.

Ўйлаб, ақл билан маслаҳатли амалга оширилган ҳар қанақа иш фаровонликка ва тараққиётга бошлайди. Ақлсизлик ва шошма-шошарлик – беқарорлик ва офатларга сабаб бўлади.

Ватан – ҳамма учун Ватандир!

Унинг абгор бир аҳволга тушиб қолишида, ҳар биттамизнинг ўзимизга яраша айбимиз бор. Унинг тўғри йўлга кириб, тараққиётга эришишида ҳам ҳар бир фуқаро қурби етгунча фаол иштирок этиши зарур! Бу учун мамлакатда мўътадил қонунлар ва адолати бошқарув тизими устивор бўлмоғи лозим.

Каримов режими мухолифатни мажруҳ қилгани йўқ, бутун бошли ўзбек миллатини мажруҳ қилди. Юраги душманлар отган заҳарли ўқлардан пора-пора бўлган, тани асрлар асносида заҳмлардан ачишиб, қаддини ростлай олмай ингранаётган – бутун Ўрта Осиё Республикаларининг олтин бешиги бўлмиш, Ота Туркистонни мажруҳ қилди…

Мухолифат – миллат томирида тоза қон айланиши, баҳс ва мунозараларда ўлканинг ҳар бир аъзоси чиниқиб, юраги аниқ ва соғлом тепиши учун зарур. Мухолифат – жамиятнинг бир бутунлигини ташкил қилиб турган аъзоларни ҳаракатга келтирувчи қувват манбайи демакдир. Мухолифати йўқ жамият – қўл-оёғи мажруҳ, вужуди тўшакка михланиб ҳаракатдан қолган хаста каби ночордир.

Ўзини мухолиф санаган ҳар бир одам, буни англамас экан, у мухолиф эмас. У авантюрист ёхуд сиёсий фирибгардир.

Бунга тарихда жуда кўп мисоллар бор. Уларнинг энг сўнггиларидан ва энг ашаддийларидан биттаси – Ўзбекистон президенти Ислом Абдиғаниевич Каримов эканлигига бугун бутун дунё гувоҳ бўлиб турипди.

осонгина ҳатлаб ўтиб, у бошчилигида вужудга келтирилган "даҳлиз йўлаги"дан сиёсат майдонига киролмасди.

Руҳиятига етти ёт бегона "Озодлик", "Ҳурлик" каби эзгу ғояларни унинг суистеъмол қилишига имконият яратиб берилиб, сиёсат бозорида коммунистлар сарқити бўлмиш қолоқ ғоялар билан чайқовчилик қилиши учун унга "Бирлик" қурбон берилмасди.

Раҳматлик Рауф Парфи билан Фахриддин Худайқулов "Бирлик ҳайъати"га қаерлардандир топиб еталаб келган Абдираҳим Пўлатовни танлаш-танламаслик ҳуқуқини Зойир Аъламга ўхшаган ҳаракат ичкарисида таъсир доираси кучли ҳисобланган фигуралар Муҳаммад Солиҳнинг инон-ихтиёрига ҳавола қилган эдилар. Ва шу ўринда Муҳаммад Солиҳнинг инсонларга ишонувчанлиги панд берди.

Пўлатов ўз соҳасида ёлчитиб бир ишни қойиллатмаган, ўз устоди Академик Кобулов устидан «бу одам миллатчи, академияга фақат ўзбекларни ишга қабул қилаяпти » деб донос ёзган бир хоин эди.

Муҳаммад Солиҳ албатта уни танимасди, факат у эмас, кўпчилик танимасди.

Халқ ичида ҳеч ким танимайдиган бир кимсанинг сиёсат майдонига кириб қолиши – мухолифатни поракандаликка олиб келгани етмаганидек, мустабид Ислом Каримовнинг ўз ҳокимиятини мустакамлашига ҳам

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

кенг йўл очди.

Абдираҳим Пўлатов мухолифат тарихида мухолифатни инқирозга етаклаганларнинг энг каттасидир.

Ҳа, Абдираҳим Пўлатов сиёсатга адашиб эмас, суқилиб кирган эди. Бу не-не фожеаларга сабаб бўлмади. Ўшанда, бу каби ўйинлар замирини кўпчилик тушунмаган бўлса ҳам, алданганларнинг аксари бугун жуда кўп нарсаларни англаб, надоматлар чекаётганлари ҳам бор гап.

Эътибордан йигирма йиллар-ки буткул четда қолган Абдираҳим Пўлатовнинг эса, бугун яна эътибор қозониш учун чўпоннинг нонини еган фалон жойи қичиган қўтир эчкидай, Аллоҳ ишларига бурун тиқаётганини айтмаса ҳам бўлади.

Ўзбекистонда нима кўп, доктор билан қўшиқчи кўп. Миршаб билан спортчиларнинг ҳам куни туғиб ётипди. Улар миллат маънавияти ва мамлакат тараққиёти учун эмас, бир қонхўрнинг амал курсисини узоқ йиллар ушлаб туриши ва юртни кун-кундан кўпроқ ҳалокатга дучор қилиши учун терлаб-пишаётганидан ҳаммамиз яхши хабардормиз.

Мустақиллик йилларида, уларнинг бундан ортиқ нимани қойиллатганини ўзлари билмасалар, бошқа биров билмайди. (Абдираҳим Пўлатовнинг бош мураббийси Абдулла Комилов деган "Бирлик"ни ичидан пораканда қилган КГБ жосуси билан пора бериш-олиш бўйича Ўзбекистон мутлоқ чемпиони, юрист-академик Миролим Одилов деганлари, бундан мустасно, албатта).

Миллат тақдири миллатнинг Беҳбудий, Авлоний, Мадаминбек, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Соғуний ва ҳакозо даҳо ўғлонлари дунё қараши асосида шаклланган шахслар қўлига тушганда эди, ўзбек тупроғи нафақат Туркистоннинг, ер юзининг жаннатига эвриларди.

Ер юзида яна бир иқтисоди кучли, илмий салоҳияти чексиз, ер ости ва усти бойликларини тўғри йўлда истифода эта олишга қодир бир ўлка қад ростлаган бўларди.

Афсус, неча асрлар-ки унинг аъмолига президент Каримовга ўхшаган эшак ўғрилари соҳиб чиқмоқдалар…

Президент Ислом Каримовнинг бутун эгаллаган билимлари шайтоний амалларга таянади. Унга некбин ишларни амалга оширишга имкон бермайдиган бу тўсиқ, бир вақтнинг ўзида, унинг ҳақиқий хожаси ҳам.

Унинг савия даражаси, ҳамин қадар эзгуликка йўғирилган билимларни эгаллаган кимса саводи билан тенг бўлганда эди, у бошида кечиктирмасдан мухолифатни оёққа қўйиш билан шуғулланарди.

Ташқаридан курсисини ушлаб туришга кўмаклашадиган кучларни қидириш ўрнига, у ичкарида ўз қўли билан бунёд этаётган давлатчилик асосларининг пойдеворини кўтарарди. Уни, халқнинг ўзи қўллаб-қувватларди.

Қонунларни оёқости қилмаганда эди, унинг халқ ардоғидаги собиқ ва демократ президент бўлганига йиллар кечарди. У бугунги кундаги сингари миллатнинг энг катта душманига эмас, мамлакатнинг миллий қаҳрамони – янги ўзбек давлатчилигининг асосчисига айланарди.

У куракда турмайдиган тутриқсиз ҳаракатлари билан умрини беҳуда ишларга сарфлади. Фаолиятини ўзбек зиёлиларининг шахс бўлиб шаклланишига бағишламади.

Мухолифатни шакллантирмади. Миллатга етишмай турган сифатларни у шу шаклда ўз ҳукумати билан ишлаб чиқиб, қанотлари қийилган ўлкага янги бир ҳаёт бахш этолса эди, у ҳақиқий ғалаба нашидасини сурарди.

Бугунги кунлардаги каби оиласи бахтсизлигини, эпсизлиги орқасидан таъминламасди. Ўлим ва тафтсиз, совуқ бир ҳаёт ўртасида, шохи синган қари қўтосдек, кўзлари ғазаб қонига тўлган арслонлар, ўзига ўхшаш шоғол-тулкилар орасида – яъни мухолифат ва душманлари ўртасида, у ҳеч қачон тириклигида хом талош бўлмасди.

Бадном бўлмасди, бутун халқнинг қарғишига – тул қолган ўн минглаган ўзбек аёллари ва отасиз ўсаётган милёнлаган ўзбек етимларининг гуноҳи учун эрта бир кун ҳар икки дунёда жавоб бермасди. Ҳар сафар жиноятларини хаспўшлаш учун атрофидаги яқинларини қурбон беришга ҳожат қолмасди.

"Ислом Каримов ҳокимиятга келган тўқсонинчи йиллар бошида – бир муддат мухолифат билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Буни мухолифат истамади эмас, аксинча Каримов ўз феълу хўйлига кўра мухолифатга тоқат қиладиган одам эмас эди…"

Исмат Хушев шундай деб ёзади:

"Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, унинг ўзи табиатан асли мухолиф характерли одам эди.

Бу шу маънодаки, Ислом аканинг ўзи ҳамиша ўзини мавжуд тузимга нисбатан мухолиф фикрли қилиб кўрсатишга уринар ва буни қайсидир маънода қойилмақом қилиб эпларди ҳам".

Ҳа, у ҳақиқий шайтон эди. Унинг бир умр дили бошқа, тили бошқа бир одам бўлиб келгани, буни бугун тўлиқ исбот этади. Мансаб ва мақсади йўлида у ҳеч қачон ҳеч нарсадан тоймасди.

Ёлғон гапириш, иғво, одамларни бир-бирига қайраш, унинг сиёсий услуби эди.

"Ислом ака билан У Минфинда министр ва ё Қашқадарёда обкомнинг биринчи секретари бўлганида бирга ишлаганлар яхши билишади. Ислом Каримов ҳамиша мавжуд тузумга нисбатан норози қиёфада бўлган ёки ўзин атай шундай қилиб кўрсатган бўлиши мумкин".

Ҳа, у ўзини атай шундай қилиб кўрсатган.

Бугун буни ҳам исботлашга ҳожат қолмади. Вақт ҳаммасини жой-жойига қўйди. Кимнинг ким эканлиги, ҳаммага аён бўлиб қолди. Унинг нияти ҳамиша янада юқори мансаб пиллапояларини эгаллаш эди.

Мол-дунё у учун аввал бошдан иккинчи даражали бўлиб келган. "Аввал иқтисод, кейин сиёсат" деган, у томондан ҳар кун минг марта айтиладиган гаплар ҳаммани чалғитиш учун айтилган.

Унинг коммунист сифатида, иқтисодда шундан ортиқ нарсани билмаслигини ҳам хаёлдан соқит қилиб бўлмайди. Халқнинг дарди, орзу-армонлари уни ҳеч қачон қизиқтирмагани ҳам ҳақиқат. Зарур бўлганда, улардан ўзининг ёвуз манфаатлари учун фойдаланаб келади, холос…

Ҳа, у бутун фаолияти давомида, қилиниши лозим бўлган ишларнинг тамоман тескарисини амалга оширди. Жамиятни турғунликка маҳкум қилиш учун у қўлидан келган барча ёмон амалларни ўзига дастуруламал қилиб олди.

Мен "Дунё ўзбекларида" эълон қилинган "Ўзбек мухолифати ва махсус хизматлар фаолияти ёки

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

Ўзбекистон президентининг ўз мухолифларига нисбатан тоқатсиз муносабати хусусида” мақоласини ўқиб, Исмат Хушевни қайтадан кашф этдим.

У диктаторнинг “ўз халқини қўрқув ва таҳликада ушлаб турувчи тоталитар сиёсатини” яхши акс эттирган.

Баъзилар айтаётганидек, унинг иқрори “Подшонинг эркатойи” ёхуд воқеалар оқими билан бир вақтлар оққанидан, сўнггида шармандаларча қувилгани ва аламзадалигидан юзага чиқмаган.

Бу бир виждони қийналган кишининг ўз миллати тақдирига бепарво бўла олмаслигининг иникосидир. Ҳа, унинг иқрори миллат тақдирига бепарво бўла олмаган бир қалбнинг мамлакат ободлигини чин дилдан хоҳлаб, фуқароларни таҳликадан огоҳ этаётган бир шахснинг, огоҳлантириш ҳайқири бўлди.

Тескарисини тушунган кимсаларнинг ўзларининг тескарилиги ҳам тушунарли ҳолат.

Аммо, мақолада баҳсли ўринларни йўқ, деб айтиш қийин.

Масалан: “…Мўътабар Тожибоева издошлари сафига Ёдгор Обид..,” дея йигирмадан ортиқ мухолифатчилар номи тиркалган.

Шахсан, мен Ёдгор Обидни таниганимда ҳали М.Тожибоева деган хотин дунёда борлигини билмасдим. У ўша замонларда ҳам ўз фикрига эга, эътиқоди бутун, давраларда сиёсий қарашлари билан яхши танилган шоир эди.

Энди Ёдгор Обид қанақасига Мўътабар Тожибоеванинг издоши бўлиши мумкин?

Ва яна бир жиҳат: мақолада МХХ нинг юрт ташқарисига вазифа билан чиқариб юборилиб, бугун мухолифат ичида низо уруғларини сочаётган бир талай югурдаги ҳам мухолифат сафида санаб кетилган.

Аммо бу жузъий ва кейинги мақолаларда тузатилиши мумкин бўлган камчликлар

Хуллас, бу мақолани ўқиб, Исмат Хушевни мен ўзим учун қайтадан кашф этдим.

Тилагим, у шу йўлдан бошқа оғишмасин. Озодлик ва Ҳурликни куйлаган, ҳақсизлик ва зулмга қарши курашганлар қаторида номи ёзилсин!

Эргаш Сулаймон

Манба: “Дунё ўзбеклари”

Гўдаклар қисмати ёки илик олаётган «Равот Қашқирлари» ҳақидаги иддаолар

Самарқанд вилоятида чақалоқлар ногиронлиги кўпайиб бораётганига оид суриштирувимизга бир неча аёлларнинг бу ҳақдаги шикоятлари сабаб бўлди.

Оқдарё туман Равот қишлоғида яшовчи Раҳматова Гулноза 2015 йили туғилган ўғлининг оёғида нуқсони борлигини у туғилганидан бир ой ўтиб сезганини иддао қилади:

Рахматова: Оёғига гипс қўйиб қўйишган. Ҳар сафар болницага борганимизда катталашади. Туғилган пайти илигини олиб қўйишган деб айтишади.

Журналист: Илигини нимага олиб қўйишаркан?

Рахматова: Олиб сотаркан дейишди…

Бу гапларга биз ишонмадик, гўдак илиги яъни суяк кўмиги қандай кўчирилиши мумкин? Бугун фарзандини айни дард қийнаётган Сарвиноз ҳам аввалига бу гапларга ишонмаганини айтади.

Сарвиноз: Эшитгандим аммо ишонмагандим. Чунки қизим туғилганида бу гаплар йўқ эди. Бор эди кам эди. Эндиликда жуда кўпайиб кетди, илгари учта тўртта чақалоқ бўлса, ҳозир ҳар юз чақалоқнинг тўқсонтасида шундай нуқсон бор.

Биз Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли шифохонасининг ортопедия бўлимида бўлиб у ердаги оёғи нуқсонли гўдакларини келтирган ота-оналар оқимини кўриб ҳайратга тушдик.

Сафаримиз давомида Самарқанд вилоятининг Пойариқ, Оқдарё, Иштихон, Ургут тумани туғруқхоналарида ҳам янги туғилган чақалоқларнинг айни нуқсондан азоб чекаётганига гувоҳ бўлдик.

Оқдарёнинг биргина Олчинтепа қишлоғида ўтган йили туғилган 4-5 нафар чақалоқларнинг дарди айни бир хил экани саволлар уйғотади.

Барчасининг оёғида нуқсони бор. Оғирлик тушса – бўксасидан чиқиб кетиш хавфи мавжуд. Барча гўдакларнинг оёқчаларига «А» шаклида тахтакач боғланган, гипсда!

Замонавий тиббиётда айрим огир беморларни даволаш учун суяк илигини кўчириб ўтказиш амали қўлланилади. Бу каби амалиётга лейкоз ва бошқа турдаги саратон касалликларини даволашда зарурат бор. Суяк илиги донорлиги, инсон суяги илигининг озроқ қисмини беморга кўчириб утказилишини англатади.

Самарқанд вилоятида гўдаклар орасидаги касалликлар бўйича маълумот сўраб Соғлиқни сақлаш вазирлигига хатёздик. Вазирликнинг жавоби «келтирилган холатлар юзасидан аник маълумотлар такдим кила олмагансиз» деган мазмунда булди .

26 январ куни “Нега янги туғилган чақалоқларнинг айнан оёқчаларидаги нуқсон қийнамоқда?” деган савол билан Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Сайфиддин Очиловга мурожат этиш учун уларнинг қабулида бўлдик. Бироқ, бош шифокорни учратишнинг имкони бўлмади.

Илик олаётган «Равот қашқирлари» ҳақидаги иддаолар Самарқандда оғиздан-оғизга ўтаркан, бизни бугун фақат биргина савол қизиқтиради: аксарият гўдаклардаги бундай бир хил касалликнинг боиси нимада?

Малохат Эшонқулова

Манба: Eltuz.com

«ВУЗ ГОРОДОК»ДАГИ СТУДЕНТЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ?

1992 йилнинг 16 январ куни Тошкентнинг Талабалар шаҳарчасида нон ва бошқа озиқ-овқат нархларининг кўтарилишидан норози минглаб талабалар милиция билан тўқнашганди.

Икки талаба ҳалок бўлган, ўнлаб намойишчилар яраланган.

Ўша кунларда Ўзбекистонга сафар қилган Би-би-синнинг суратга олиш гуруҳи талабалар қўзғолонини тасвирга туширган.

ББС

СТУДЕНТЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ АСЛИДА ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ?

Икки қўлимни қалбимга қўйиб виждон ҳақи фақат бўлиб ўтган, 1992 йил 16 январдаги Студентлар шаҳарчасидаги воқеаларни қандай бўлган бўлса шундай ёритмоқчиман. Бу қонли воқеалар видеосини Исмат Хушев ўз сайтида қўйганидан руҳланиб, қисқача бўлсада ҳақиқатни ёзишга аҳд қилдим.

Ушбу воқеаларни бошидан охиргача ташкил қилган Ёшлар Уюшмасини (Ўзбекистон Эркин Ёшлар Уюшмаси) ташкилий ишлар бўйича ўринбосари сифатида кўрган билганларимни айтмоқчиман. Хозирча ўз исмим шарифимни қўйа олмайман сабаби Тошкентда яшайман. Бу ердаги Режим югурдак, малайлари ҳар қачонгидан ҳам ёмон ташвишга тушган, безовталанган чунки қилган барча жиноятлари учун жавоб беришга тўғри келади. Уларни аҳволини чўкаётган кемадаги текинхўр каламушларга ўхшатиш мумкин.

Энди бевосита Студентлар шаҳарчасидаги қўзғолонга тўхталадиган бўлсак, буни сабабини кимлар ўйлаганидек, нарх навони ўсишида деб ҳисоблаш, ўта юзакиликдир. Унинг асосий сабаблари: миллий озодлик ҳаракатини асосини ташкил қилган студент ёшларни тийиб қўйиш учун ҳокимят, митинг ва намойишларни қонунан тақиқлади, муҳолифат ва актив ёшларга нисбатан тақиқ, босимларни ортиб бориши. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган бўлсада амалга оширилмасдан қоғозда қолиб кетганлиги десак тўғри бўларди.

Бу тарихий воқеагача 1990 – 91 йилларда призединт Ислом Каримов ва бош вазир Шукрулло Мирсаидов билан бир неча бор, биз етакчи ёшлар учрашсакда, лекин барчаси натижасиз тугади. Учрашувлардан шу нарса маълум бўлдики, ҳар иккаласи ҳам "мен томонга ўтинглар, мен билан ишланглар" қабилида биз билан суҳбатлашди ва митингларни ўтказмаслик шарти билан етакчи ёшларни ўз томонига оғдириб олишга астойдил уринди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Ёшлар ташкилоти Марказий Кенгаши ўз позициясида садоқат билан қолиб, мустақил ҳаракатини давом эттирди.

Ёшлар Уюшмаси МКдаги мажлислар, бир бирини тоқат билан эшитиш, ғоя қарашларини ҳурмат қилиш сиёсий маданияти яхши йўлга қўйилганди. Бизни Ватанимизни озод кўриш, халқимизни ҳур, эркин фикрлашини ҳимоя қилиш қизиқтирар, Москвага қаршилигимиз бирлаштирарди. Тан олиш керак ёшларнинг аксарияти асосан Эрк ДП ледири Муҳаммад Солиқни тарафдорлари эди. Биз мавжуд ҳокимятга ишонмас эдик.

Қандай қилиб ишониш мумкин Ўзбекистонни озод бўлишига қарши турган, 1991 йил август ойида Москвадаги давлат тўнтарилишигача СССР тарафдори бўлган, собиқ маҳаллий Комунистик Партия раҳбарияти вакилларига. Улар бир юмалаб демократга айланишган эди–да! Мана шунинг учун ҳам призединт ва ҳукумат бошлиғига биз студент ёшлар ишонмаганмиз.

Студентлар шаҳарчасидаги инқилоб пишиқ ўйланган яхши ташкиллаштирилган бўлиб, ҳар бир ётоқхонада ўз одамларимиз бор эди. Булар жисмонан чиниққан спорт билан шуғилланадиган, баъзилари Афғонистнда хизмат қилган, обрўли, сўзи бошқаларга ўтадиган йигитлар эди. Садриддин, Исмоил, Яшин, Равшан, Иброҳим кабилар орқасида минглаб студентлар турган. Бундай катта кучни кўрган давлат, у билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ эди! Ёшлар Уюшмаси раиси Жўраев Шавқиддин бўлгани ҳолда шаҳарчадаги раҳбарликни менга топширди, ўзи эса чеккада тўрди. У ҳақда турли туман гап сўзлар юради. Мен ўзимга эп кўрмайман уни шахсиятига баҳо беришни.

Ҳамма воқеа аслида 15 январ куни ярим кечаси, тонга яқин рўй берди. Номаълум бир груҳ одамлар иғвогорлик (провакация) қилиб шаҳарчадаги савдо расталарни талон тарож қилди. Мақсад студентларни иғвогорона жанжалга тортиш, Тошкент шаҳридаги вазиятни издан чиқариб бош-бошдоқлик келтириб чиқариш бўлган. Ким буни қилган? Ҳалигача номаълум. Студентлар эрталаб тинч намойиш қилиш учун катта кўчага чиқишди ва ўзларини муносиб тутишди.

Лекин, ҳукумат қўшинлари кечқурингача қўзғолончилар тарқалмагандан кейин ўққа тутишди. Қоронғи тушишига қарамасдан ётоқхоналар атрофида бир неча соат ўқ овозлари эшитилиб турди.

Қанча одам ўлганлиги ҳалигача расмийлар томонидан сир сақланади. Сиёсий ҳокимятни бу ахмоқона қон тўкиши, тинч митингларда илк маротаба бўлгани ҳолда, қаттиқ диктатурани бошланишини англатар эди.

Нормурод Ўзбекхон (OZBEKXAN)

Манба: "Дунё ўзбеклари"

Зулматдаги умр (якун)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

— Тушунмадим, нега энди уни "бечора Толян" деяпсан?

— Ие, ҳали энг катта янгиликдан хабаринг йўқми?

— Ичимни қиздирмасдан тезроқ айта қол, Саша, унга нима бўпти?

— Кеча турма бошлиғи спирт олишга кирганди. Айтишича, янги борган ерида Толяни чавақлаб ташлашибди. Гап-сўзларга қараганда, уни у ёққа шунинг учун ўтказишган экан.

— Демак, яна "уй"да тўполон бошланаркан-да!

— Мен бундай деб ўйламаган бўлардим, чунки унинг ўрнига аллақачон одам тайинлаб қўйишган…

— Ишқилиб сал одамгарчилиги бор эканми?

— Кулгимни қистама! Ўғри, каллакесар, товламачи-ю фирибгарларда одамгарчилик бўлади, деб эшитган жойинг бормиди?..

Йўлакдаги суҳбат шу ерга етганда мени беихтиёр қаттиқ йўтал тутди ва уларнинг гапи нима билан ниҳоя топганини англолмай қолдим. Лекин билганларим ҳам даҳшатга тушишим учун етарли эди. Чунки эшитганларимдан Толяннинг аянчли ўлим топгани билиниб турарди.

Йўталим бироз босилар-босилмас хона эшиги очилиб, ичкарига икки аристон кириб келди. Уларнинг бирини аввал қаердадир кўргандай эдим-у, аммо хотирам панд бериб қай шароитда учрашганимизни эслай олмадим. Иккинчисини эса, умуман, танимасдим.

— Қани қаҳрамон, сал ўзингга келиб қолдингми? — дағал овозда сўради аристонлардан бири.

Унинг бу гапидан кейин баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Чунки бу икки нухсанинг бу ерга мендан ҳол-аҳвол сўраш учун келмагани юз-кўзидан сезилиб турарди.

— Шунақа шекилли, ҳарқалай ўзимни кечагидан анча яхши ҳис қиляпман, — ҳазил билан жавоб қайтармоқчи бўлдим.

— Тезроқ соғайгин, — хунук тиржайди дағал овозли "меҳмон". — Тўшакда ётган одам билан муштлашишни хоҳламайман…

— Лекин бунга ўхшаш кеча қамоққа келиб, эртаси куниёқ ўзининг тартибини ўрнатмоқчи бўлганларни касалига ҳам қарамасдан тинчитиш керак, токи бошқа муштига ишонадиганларга ўрнак бўлсин!

Шундай дея иккинчи аристон гапга қўшилди. Уларнинг мақсадини англаган бўлсам-да, жавоб қайтармадим. Чунки бу аҳволда муштлашишга тўғри келиб қолса, таъзиримни ейишим кундай равшан эди. Шу сабабли гарчи жуда оғир ва ҳақоратли бўлса-да, бу икковининг гап-сўзларига чидашга тўғри келади.

— Сенга юлдузни бенарвон урадиганлардан деб тариф беришганди. Афтидан роса қўшиб-чатишган кўринади, — истеҳзоли кулимсираб деди биринчи бўлиб гап бошлаган аристон. — Айтгандай, лақабингни Бургут дейишганди, бунақа қуш юрак билан қандай қилиб бундай ном олганинг мени ҳайрон қолдиряпти, аслида сендақа бировнинг ортидан иш кўриб, осмонда учиб юрадиганларнинг ҳаммасига бир қилиб Чумчуқ деб исм бериш керак. Нима дединг, Жора?

— Албатта-да! Мен бизга бу ишни таклиф этишгандаёқ бунинг қуёнюраклигини билгандим. Қара, бизларни кўрди-ю, иштонини ҳўллаб қўйди. Хо-хо-хо! — бор овозда бэўхшов кулди Жора.

Унга шериги жўр бўлди. Хона ёқимсиз кулги ичра қолди.

Ўзимни босишга, Толян айтгандай, бир гапдан қолишга ҳар қанча уринмайин қоним қайнаб, бир ғазабимга ўн ғазаб қўшилиб келаверди. Гарчи бундай пайтларда жаҳлга эрк бериш яхшиликка олиб келмаслигини жуда яхши билсам ҳам мени очиқдан очиқ ҳақорат қилиб, шаънимга доғ туширмоқчи бўлаётган бу икки аристонни жазоламаслигим мумкин эмасди.

Қандай қилиб ётган ўрнимдан чўзилиб анча нарида турган темир стулчани олганимни ва ирғиб туриб у билан Жоранинг башарасига солганимни билмай қолдим. Зарб шу қадар кучли бўлдики, бақириб кулаётган Жоранинг товуши бирданига тиниб, оғриқ зўридан ўтириб қолди. Пайтдан фойдаланиб, уни юз-кўзи, елкаси аралаш яна бир неча бор стулча билан "сийладим". Гарчи еган "темир зарб"ларидан сўнг ўзига келиши қийин бўлишини билсам-да, эҳтиёт шарт Жоранинг жигарини мўлжаллаб уч-тўрт бор тепдим ва ана шундан кейингина иккинчи рақибимнинг яқинлашишини кутдим. Мен томонимдан бундай кескин ҳаракат бўлишини кутмаган, шекилли, Жоранинг шериги аввалига турган жойида тошдек қотиб, менга ғайритабиий тарзда қараб турди. Кейин жонҳолатда менга ташланди. Унинг ҳаракатларидан муштлашувнинг яхшигина ҳадисини олгани кўриниб турарди. Ёшлигида бокс тўгарагига қатнаган бўлса керак, ҳимояси ҳам чакки эмасди.

— Эркак бўлсанг, ётган одамни тепкиламасдан мен билан олиш, итнинг боласи! — деди у тишларини бир-бирига қайраб ғижирлатаркан.

— Касал ётган одамнинг устидан кулиш, уни ҳақоратлаш эркакликка киради-ю, йиқилиб тушганни тепкилаш эркаклик эмас эканда, сенингча! — жавоб қайтардим мен ҳам ундан қолишмай.

— Бизга аслида сени яхшилаб калтаклаш, бундай бу ёғига турма етакчилигига уринмасликни тайинлаш топширилганди. Афсуски, бу сафар уларнинг айтгани бўлмайдиган бўлди. Жаҳлимни чиқардинг: бу ердан сенинг ўлигинг чиқади энди!

— Сал эҳтиёт бўлиб гапир, яна шеригинг каби ўрнингдан тура олмай қолма!

— Менинг ғамимни емай қўя қол! Ундан кўра, қабринг устига нима деб ёзиб қўйишимизни айт: чумчуқ деб ёзишсинми ёки…

Унга гапини тугатиш насиб этмади. Қўлимдаги темир стулча билан уни ҳам айлантириб ура бошладим. Тан олиш керак, у анча-мунча зарбаларимга чап беришга улгурди. Аммо тўғридан берилган зарбни, барибир, ўтказиб юборди. Шу ондаёқ унинг темир теккан боши ёрилиб, сизиллаб қон оқди.

— Бўш келма, Димон! Бу ифлосни аяб ҳам ўтирма, братан! — тилга кирди шу пайтгача бир бурчакда ихраб ётган Жора. — Ҳозир ўзим сенга ёрдам бериб юбораман. Бир амаллаб қўлидагини тортиб олсак, марра бизники! Эртага шу пайт ўлигини каламушлар еб битирган бўлади!

Аммо бу гаплар Димонга мадад бўлмади. У яна темир зарбга дуч келмаслик учун эҳтиёт бўлиб қолган, анча узоқроқда туриб мен томонга жаҳд қилар ва қулай пайт келишини пойлаётган, бир томондан Жоранинг ўзига келишига умид қилаётгани ҳам билинарди. Унинг ҳимояга ўтиб олганидан фойдаланмасам, Жора ўзига келиб қолса вазият менинг зараримга ўзгариб кетиши аниқ эди. Шу сабаб сал айёрлик қилишга тўғри келди. Қўлимдаги стулчани Димонга қараб бор кучим билан улоқтирдим. Турган гапки, у инстинктив равишда

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

кўзини юмиб, ўзини зарбадан олиб қочди. Бу, албатта, унинг катта хатоси эди. Фурсатни бой бермасдан ўнг қўлимнинг қирраси билан рақибимнинг бўйин томирига урдим. Димон ҳатто нима бўлганини ҳам англаб улгурмай ҳушини йўқотиб, оёғим остига узала йиқилди. Буни кўрган Жоранинг юз-кўзи мутъе тус олди. Унинг бундай вазиятларга аввал ҳам бир неча бор тушгани хатти-ҳаракатларидан билиниб турарди.

— Бизларни кечир, Бургут! Биз сени шунчаки синаб кўрмоқчи эдик! Илтимос, бизларни кечир! — бор овозида йиғлаб сўзлай бошлади у. — Гапларимга ишон, ёлғон гапираётган бўлсам Худо урсин!

— Ўзингнинг ифлос ишларинг учун Худони ўртага қўйиб қасам ичма! Ундан кўра, сенларни бу ерга ким юборганини айт! Шунда жонинг омон қолади, чин сўзим! — Жоранинг ёқасидан бўғиб, қўрқитиш ниятида бир неча бор мушт солдим.

— Урма, урма мени, Бургут! Мени бу ерга келишга мажбур қилишди. Келмасам ўлдириб юборишлари аниқ эди.

— Жонингдан умидинг бўлса, айт, ким мажбур қилди?!

— Толян кетар-кетмасидан сен карцерга тушиб қолдинг. Ўтган вақт орасида бу ерда анча нарса ўзгариб кетди. Энди аввалгидек тартиб-интизом бўлмаслиги аниқ.

— Нега бундай деяпсан?

— Ўзинг биласан, биз "дам" олаётган жойда маъмурият ҳукмрон эди. Уни фақатгина Толян ўзгартира оларди. Энди Толян йўқ, демак, бундан бу ёғига турма бошлиғнинг айтгани айтган, дегани деган бўлади. Хоҳласа ноғора чалиб барчамизни ўйнатади ёки муз устида рақс туширади.

— Унинг ноғорасига ўйнайдиган аҳмоқ йўқ. Қолаверса, бизлар ҳам совға эмасмиз, бир йўлини қилиб унинг ковушини тўғирлаб қўйиш қўлимиздан келади.

— Бургут, тўғри тушун, бир ўзингнинг қўлингдан ҳеч нарса келмайди, барибир, уларнинг айтганига кўнишга мажбур бўласан.

— Адашма, мен ёлғиз эмасман. Мен каби тўғри, ноҳақликка қарши курашиб муддат олиб ўтирганлар кўп… Яхшиси, сен гапни чалғитмасдан кимнинг буйруғи билан олдимга келганингни айт!

Бу гапимдан сўнг Жора оғир хўрсиниб қўйди-да:

— Толяннинг ёнида юрадиган йигитни танирмидинг, лақаби Силовсин? — деб сўради.

Унинг нега бу саволни берганига ҳайрон бўлиб, тасдиқ ишорасини қилдим.

— Энди у Толяннинг ўрнини эгаллади. Бизларни ҳам у жўнатди.

— Шу чўпчагингга мени ишонади, деб ўйлаяпсанми? Толяннинг югурдаги қандай қилиб унинг ўрнига ўтиради?

— Биз ҳам аввалига ишонмадик, аммо у бирин-кетин кўзга кўринган, гапини бошқа аристонларга ўтказа оладиганлардан ўнтасини ўлдириб юборгандан кейин…

— Нима, у ҳали ўзига ўхшаган аристонларни ўлдирдими?

— Ҳа, Бургут, ҳаёт мана шунақа экан, кимнинг ортида кучи бўлса, ўшанинг гапи икки қилинмаскан…

Қолган кунлари мени айтарли ҳеч ким безовта қилмади. Шу сабаб бўлса керак тез кучга кириб, оёққа турдим. Оёққа турмасам бўлмасди, чунки Жоранинг гапи рост чиққан, Силовсин аллақачон турмада ўз тартибини ўрнатишга киришиб кетганди. Энди пайт пойлаб у билан учрашишим лозим эди. Аммо бир неча йил Толяннинг ёнига миқ этмай

Зулматдаги умр (якун)

юриб, унинг оғзидан чиққан гапни буйруқдек бажаришга ўрганган Силовсин шунчалик эҳтиёткор эдики, ҳатто ўзи ёнига чорлаган аристонларни ҳам текширувдан ўтказарди. Соғайганимдан кейин эски ишимни давом эттириш ниятида буюмлар сақланадиган омбордаги хонамга боришга қарор қилдим. Мени басавлат, кўринишидан собиқ спортчилиги сезилиб турган, афтидан эркин курашчи бўлса керак, аристон хушламайгина кутиб олди. Салом бергандим, жавоб бўлмади.

— Мен Бургутман, эшитгандирсан? — деб сўрадим ундан.

— Бургут бўлсанг нима қипти, ўрнимдан туриб, қўшиқ айтиб ёки чапак чалиб туришим керакми? — жавоб қилди у.

— Ўрнингдан туришинг ҳам, чапак чалишинг ҳам шарт эмас, лекин яхши одамлар салом берганда жавоб қайтаришинг керак, шуни биласанми? — дедим иложи борича овозимга майин тус беришга ҳаракат қилиб.

— Ёш бола эмасман, менга ақл Ўргатма! Қолаверса, кимнинг саломига жавоб беришни ўзим биламан, тушундингми? Энди бўлса бу ердан туёғингни шиқиллат, йўқса онадан туғилганингга пушаймон бўласан!

— Йўғ-э, мен сенга ота-онанг фақат ёмон тарбия берган деб ўйласам, ҳали зўравонлик одатинг ҳам борми?

Бу гапдан кейин у ўрнидан турди-да, мен томонга ҳезланиб кела бошлади. Адашмаган эканман, ҳаракатлари курашчиники. Бундайларнинг чангалига тушиб қолмаслик, яъни масофадан туриб муштлашиш керак. Яна бироз жаҳли чиқарилса, ўзини тута олмай бошқарувини йўқотиши аниқ.

Шундай ҳам бўлди. Икки-уч бор уриниб қўлга тушира олмагандан кейин рақибнинг аччиғи чиқиб, ҳаракатларида пала-партишлик кўзга ташланиб қолди. Яна бироз "мушук-сичқон" ўйнасак буткул ҳолдан тойиши кўриниб турибди. Унинг ҳарсиллаб ташланишларидан завқ олган кўйи яқинроқ келишини кутдим. Бечора бу сафар ҳам чап беради, деб хаёл қилди, шекилли, қулочини кенг ёзиб ҳужумга ўтди. Чаққонлик билан бир-бир чалғитувчи зарбалар йўлладим-да, кейин бор кучимни тўплаб, икки қошининг ўртасига мушт солдим. Зарба шунчалик кучли бўлдики, ҳатто қарсиллаган овозни эшитдим. Ҳозиргина мени ғажиб ташлашга тайёр йигит, турган жойидан бироз ортга чекинди, кейин мувозанатини йўқотиб, гупиллаб йиқилди. Бу ерга келганимни ҳеч ким кўрмаганди, яна бировга қорамни кўрсатмасдан ғойиб бўлдим. Мен билан муштлашиб, ажал топган йигитни Силовсин ўзига тан соқчи қилиб олганини кейин эшитдим, Жора билан Димоннинг ўз жонларига қасд қилганликларини ҳам…

Тан соқчисининг ўлимидан сўнг Силовсин аввалгидан ҳам эҳтиёткор бўлиб қолди. Аммо мен пайт пойлаб, барибир, ундан Толян ва бошқа бекордан-бекор ўлдирилган аристонларнинг ўчини олишим керак эди. Буни қарангки, орадан бир кун ўтиб, унинг ўзи мени сўроқлатди. Лекин бир-биримизнинг кўзимизга тик боқиб гаплашиш бизга насиб этмади. Турмадаги бошбошдоқликдан безор бўлган аристонлар ғалаён кўтариб қолишди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўл-қуруқ баравар ёнганидек, ғалаёнчилар ҳеч биримизга: на менга, на Силовсинга, на турма бошлиғига ва на бошқа зўравон-у, авторитетларга шафқат қилишди. Ўша талопўп чоғида аристонлардан кимдир бошимга темир бўлаги урган экан. Ҳушимга келганимда танамнинг ярми ишламас, шол бўлиб қолган эди. Шундан кейин мени санитар қисмига ўтказиб юборишди. Муддатимни ўша ерда ўтаб, озодликка чиқдим. Аммо ўзингиз айтинг, мендек умрининг гул фаслини панжара ортида кечирган одам кимга ҳам керак. Шу сабабли Еленани дарақламадим, аммамникига ҳам қайтмадим. Ҳозир чойхонада қоровуллик қиламан. Яқин кишиларим йўқлигини билган шу атрофдаги хонадон соҳиблари кунда-кунора ош-нонимдан хабардор бўлиб туришади. Шулар, умуман, яхши инсонларнинг борлиги туфайли ҳаёт шамим милтиллаб ёниб турибди. Лекин ўтмишимни хотирга олсам ҳам, келажагимни ўйласам ҳам беихтиёр даҳшатга тушавераман…

(Тамом)

Олимжон Ҳайит

Иброҳим Қорагул: Бу харитани биз чизамиз, буни миянгизга суқинг!



“Янги шафақ” газетаси Бош муҳаррири Иброҳим Қорагул, “Бу харитани биз чизамиз, буни миянгизга суқинг!” номли мақоласида Туркиянинг Сурияларштириш амалиёти билан юзма-юз келганини таъкидлади.

Сурия муаммоларига доир Женева музокараларидан олдин, Қорагул қизиқ бир мақола билан ўқувчиларга мурожаат қилди.

Туркиянинг муросасиз юксалишини олдини олиш учун нишон ҳолига келтирилишини исташларини ҳимоя қилган ёзувчи, Туркиянинг тарих давомида оғир инқирозлардан чиқганини таъкидлагандан сўнг ўз баёнотини шундай давом эттирган.

Янги харитани улар эмас биз чизамиз

“Ишлар бу даражада чигаллашса, сафлар бу қадар аниқлашса, жанг бундай очиқ ҳолатда қилинса, хатто иттифоқчилар бизга ичкаридан ҳужум қила бошлар экан, у мўъжизавий юксалишнинг эшиклари ҳам бошқатдан очилмоқда деганидир. Шундай қилиб ишонч билан; “Улар қанча ҳоҳлашса харитани чизаверишсин, қай даражада Сурияларштириш лойиҳасини амалга оширса оширсин, аммо асл харита бу тупроқларнинг инсонлари тарафидан чизилади”, дейишдан тўхтамаймиз. Бир қаҳрамонлик ёки бир тушкунлик натижасида амалиёт амалга оширмаяпмиз, ҳақиқатдан сўз очмоқдамиз ва ишонмаганлар бир кун келиб бу ҳақиқат билан юзлашадилар.”

Бу жанг фақат Жизрага эмас Коняга ҳам етиб келади

Сурияда курашмасдан Жизрани қутқаришнинг имкони йўқлигини айтган Қорагул, баёнотида шу сўзларни айтган:

“Жанубий-шарқий вилоятларимизда яшайдиган инсонлар ва Шимолий йўлак лойиҳаси айни жангнинг бир майдонидир. Азез-Жераблус ораси бир майдон. Агар Жизрада кураш олиб борсак бу минтақаларда ҳам жанг қилишга мажбурмиз. У ерларни бўш қолдириб Жизрани қутқариш мумкин эмас. Шундай экан, Туркияга қарши энг катта бўғиш амалиёти бўлган бу наслга, бадали қандай оғир бўлса ҳам, аралашишимиз лозимдир. Акс ҳолда Сурияларштиришнинг олдини ололмай қоламиз.”

Жизрадаги кураш чегаранинг бошқа тарафида ҳам давом этади. Агар таҳдидларни чегараларимизда қаршиласак бу жанг фақат Жизрага эмас, Коняга ҳам, Эрзурумга ҳам етиб келади. Туркия бундан хабардор.

ЎХҲ хабарлар бўлими

Манба: internethaber.com

Мусулмон аёл

(«Ойдин Солиҳ ҳақида хотиралар» туркумидан)

Мусулмон жамият ичида мусулмон она-отадан дунёга келганимиз ҳолда —

мен шахсим номига айтаяпман — мусулмон инсон қандай бўлиши кераклигини ундан ўргандим.

Таслимиятнинг нима эканини бизга энг гўзал шаклда ўргатган удир.

Уни таниганимдан сўнгра ва унинг катта ёшда мусулмон бўлганини эшитиб, ўз мусулмонлигимни жиддий равишда тергай бошладим.

Уни таниш шарафини менга бергани учун Роббимга шукр этаман.

Биз уни жуда севдик. Инонаманки, Роббимиз уни севгани учун юракларимизга Ойдин хонимнинг севгисини бизнинг қалбларимизга жойлаштирди.

Аллоҳу Таоло севганларини айри тутади, бир-бирига қўшни қилади. Бизга бу дунёда танишмоқ шарафини лутф этган Роббилоламин Охират юртимизда қўшни бўлишни ҳам насиб айласин!

Ойдин хонимафанди каби нодира бир шахсиятни оз таниганимиз ҳолда уни йўқотишнинг изтиробини ниҳоятда оғир яшадик.

Унинг яқинлари қайғусини биз тасаввур ҳам этаолмаймиз. Роббилоламин сабри жамил эҳсон айласин!

Рўмайса Юлдуз

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди

Инсонлар кўпинча уни ҳаким ўларок танирди. Мен бу ерда унинг инсонлигидан, характеридан, ислом динининг моҳиятини ўзида акс эттирган асл, зариф туришидан сўз этмак истайман.

Қаерга бормасин, бошқалардан кескин ажралиб турарди, албатта уни кўрардингиз.

Ёмон кийинган, ҳижобини пала-партиш ўраган опа-сингилларимизни огоҳлантирирар эди.

Яхши кийинмак учун аёлнинг кийими кўп бўлиши шарт эмас. Жуда ҳам оз кийим билан Ойдин хоним ҳамиша ниҳоятда гўзал, зариф ва асолатли эди.

Мен уни танигандан бери у битта чанта(сумка) қўлланди. Севган бир-нечта либосидан бошқа кийими ҳам йўқ эди.

Ҳақиқатнинг тафауроти(батафсиллик)ни севганлардан, деталлар билан майда-чуйда билан шуғулланганлардан ўзини яширишини айтарди бизга. Бу ҳолатда яхлитликнинг бузилишини тушунтирарди.

Бир мусулмоннинг дунёга, инсон зотига, ҳаётга ва замонга қандай қараши кераклигини яшаяроқ, ўз яшаш тарзи билан кўрсатди. Албатта, булар эски асарларда бор, аммо буни замонавий дунёда ҳаётига тадбиқ этган кишини учратиш қийин.

Ойдин Солиҳга жуда кўп инсон дуч келди, аммо уларнинг аксарияти соғлигига қовушиб, кетишди.

Бир қисми ҳунар соҳиби бўлди, кетди. Аммо унинг давосига соҳиб чиққан шогирдлари ҳали ҳам Устозининг миссясини давом эттирмоқда, инсонларга ўрганган ҳақиқатларини англатишда давом этмоқдалар.

Биз у билан бирга жуда кўп шаҳарларга, хатто кичик туманларга ҳам бордик. Биз боролмаган ерларга унинг китоби етиб борди. Етти йилдир ҳеч бир рекламасиз Туркияда ўз соҳасида энг кўп сотилган китоб бўлди. Бу китобни ўқиганларнинг ҳаётлари тубдан ўзгарди. Шу онда Туркиянинг жуда кўп минтақаларида Ойдин Хоним руҳига дуо этилганини биламиз.

Биз у билан соатларча йўлчилик қилардик. Базан кўп суҳбатлашар, базан эса, ҳеч гаплашмасдик, аммо иккимиз ҳам билардик-ки, айни нарсаларни ўйлаганимизни кўрардик. Гоҳида «мен бир нарсани ўйласам Хадича у ишни қила бошларди», дерди Устозим.

Опам, дўстим, ғоядошим ва Устозим

Яқиндан танимаган кишилар уни бироз жалолли кўрар эди. Аммо у нафсига ва наслига зулм этганларга жалолли эди.

Уни сўзлатган марҳамати бўлгани учун бу сўзларига хафа бўлган инсонларга тажжубланарди. Нафсингизни яланғоч шаклда ўртага қўярди, бу эса шу кунгача ўз нафси билан юзлашмаган инсонга жуда оғир келарди. Аммо Аллоҳ ризосини ахтарган ва бу йўлда нафсини оёқ остига олишдан қўрқмайдиганлар Ойдин хонимнинг бу тарбия услубидан катта қозонч билан чиқарди.

Зеҳни у қадар очиқ, ҳофизаси у қадар кучли эди-ки, у сўйлар экан, «нега бу менинг ақлимга келмади-а?», дердингиз.

Тушуниб етмаганим баъзи нарсалар уни таниганимдан сўнгра дарҳол барроқ ҳолга келди, равшанлашди. Масалан, Аллоҳ ҳеч кимга унинг кўтараолмайдиган юкни бермаслигини билган инсон депрессияга тушиши ақлга сиғмайдиган нарса эканини унинг китобини ўқиганлар билишади.

Сиҳатли бўлмок нақадар осон, ҳаста бўлмоқ нақадар қийин. Ҳаста бўлмок учун инсонлар кўп ғайрат қилишади, соғлигига эса бу ғайратнинг жуда оз қисмини сарфласа дарров эришиши мумкин.

Йилларча дори қўлланган хроник ҳасталар бу ҳақиқатни англаб, Ойдин хонимнинг мустаҳкам тамаллар устиган қурган даволаниш методи ёрдамида ўз соғлигига қовушардилар.

Ойдин хоним ўтказган конференция ва семинарлари тингловчилари тарафидан тутилган дафтарлар бор эди, бу дафтарлар ксерокопия қилиниб, қўлдан-қўлга ўтиб, бутун ўлка бўйлаб кезиб юрарди. Табиий, дафтарлардаги ёзувларда кўп хато ва янглиш иборалар бор эди. Аммо ҳатто шу ҳолда ҳам бу дафтарга тушган ёзувлар буюк илм эди, буни мен дарҳол англадим.

Ойдин хоним у пайтларда Туркияда давомли қолаолмас эди. Унинг келишини кута бошладим.

Биринчи навбатда у билан танишиб, унинг хастаси бўлдим. У мени даволади ва тузалгандан сўнгра мен ҳар ҳафта турли гуруҳларда Ойдин хонимнинг даволаш услуби ҳақда семинарлар ташкил этдим. Бу хазинадан кўпрок одамнинг хабари бўлсин, буни эшитган ҳар ким бундан фойдалансин, дея ўйладим.

Бу орада ўзлари билан яқиндан танишдим.

10 йилдир китоб устида ишлаётганини эшитиб, унга ёрдам бермак истадим. Чунки она тили бўлмаган бир тилда китоб ёзиш осон иш бўлмагани учун китобнинг тамомланиши ҳам чўзилаётган эди. Йиллар сўнгра Ойдин хоним менга «Бу китобни қандай қилиб Туркча ёзишга жазм қилдим, бунга ўзим ҳам ҳайронман. Демак-ки, сени етиштиришим керак экан» деганди.

Бу нуқтада менинг муҳаррирлик тажрибам жуда қўл келди. Саҳардан ҳуфтонгача (фақат номоз учун туриб) Ойдин хонимнинг ёнида китобни таҳрир қилдик.

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

У менинг ишлаш суратимга ҳайрон қоларди. Мен эса ундан ўрганганим нарсалардан ҳайратга тушар, тушунмаган масалаларнинг жавобини топар эдим.

Бу давр мен учун ниҳоятда қийматли бир мактаб бўлди.

Ойдин хоним ҳафтада 1-2 кун хасталар билан кўришар эди. Мен унинг тавсияларини ёзиб, хасталарга берар эдим. Даволаш уйғуланаётганда бириккан саволларни ўзидан сўраб, яна хасталарга етказар эдим.

Китоб босилгандан сўнгра вақтимиз кенгайди. Мен соғлигига қовушган хасталардан бир гуруҳини тўплаб, уларга бу метод тўғрисида давомли шаклда дарс ўтишни Ойдин хонимга таклиф этдим.

Ойдин хоним бунга жуда севинди ва биз ўша кейин афсоналашган «Ойдин Солиҳ дарслари»ни бошлаб юбордик.

Биринчи гуруҳда ўтган дарсларимиз энг узун энг гўзал дарслар эди. Бу дарсда етишган талабалар билан ҳозир ҳам биргамиз.

Кейин талаблар кўпайди, биз талабгорларга «Ҳақиқий Тиббиёт» китобини ўқиш шарти ва энг оз 3 марта 3 кунлик очлик қилиш шартини қўйдик.

«Ҳақиқий Тиббиёт» китоби қисқа замон ичида кўп сотиладиган бир китобга айланди. Ҳар нашрида тиббиёт оламидаги янги воқеаларга янги тафсирлар ёзиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Янада практик ва янада тушунарли ва содда бўлиши учун китобни бошдан оёқ янгидан кўздан кечиришга тўғри келарди. Шу боис янги нашр аввалгиларидан анча фарқ қиларди…

Юқорида таъкидлаб ўтилгандек инсонлар кўпинча Ойдин хонимни ҳаким ўларок танирди. Ҳакимлиги борасида, ҳеч қанақа мунозарага ўрин йўқ албатта. Камида ҳакимлиги каби муҳим сифатлари ўлароқ, унинг – донолиги, билими, улуғворлиги, ҳиммату виқори, камтарлигу марҳамати, саховати, ҳалоллигию табиатан соддалиги ҳам жуда муҳим.

Дунё кезиб дардига дармон излаб, охирида унинг тавсиялари билан шифо топганлар кимқанча. Миннатдорликдан эгилган бошлар қаршисида, у ҳамиша ўзини камсуқум ва камтар тутишга интиларди. Ҳаёт ҳақиқатини чуқур ўзлаштирганлиги сабаб, у эътироф

туйғуси билан тўла қалбларга ҳақиқий мўминона муносабатдан бошқа бирор нарсани раво кўрмасди.

У: “Шифо Аллоҳдандир, У истади, мен воситачи бўлдим”, дерди.

Баъзи нарсаларни Туркияда, ҳатто дунёда биринчи бўлиб у тилга олди. Масалан Нисо сураси 119-120-оятлардаги генларнинг ўзгаришига ишора қилинишини; титаниумдиоксид,аспартам,сунъий таъм берувчилар, лазер, баъзи овоз тўлқинлари, нанотехнология ва биотехнология маҳсулотларининг генетик ўзгаришлар ва бепуштликга сабаб бўлиши каби бир қанча кашфиётларни Аллоҳ унинг кўнглига солди, ва унинг тили билан бошқаларга аён қилди. Биз биринчи маротаба эшитганда ишониш қийин бўлсада, кейинроқ у айтган ҳар бир сўзнинг ҳақиқат эканлигига шоҳид бўлдик.

Бугунги кунда оятларни қандай тушуниш керак, пайғамбаримиз суннатларига қандай амал қилиш лозим, буюк зотларнинг сирли сўзлари нимани англатишини – унинг камтарона ҳаётида кўришингиз ва тасаввур этишингиз мумкин эди.

У баъзи кишиларнинг ўжарлик билан ўзлари тўғри деб ҳисоблаган шахсий тахминларни мўмина ҳофизаси ила ер билан яксон этарди. Унинг фикрини тўғри ифодалашидан ва ҳамиша ҳақиқат томонида собит қадамлик билан оғишмай ўз қарашини исбот этишидан ҳайратга тушардик.

Абдулқодир Ғилоний “Тозаликка ҳаддан ташқари эътбор бериш – адабсизликдир” дер экан, бу сўзлар маъносини Ойдин Солиҳ хонимни учратмаганимда тушунмасдим. У ушбу масалага кўп аҳамият бергани учун, уни бу ерда очиқлашни истайман: “Тозаликнинг қоидалари ва чегараларини Аллоҳ белгилаб қўйган ва бу чегараларни етарли дея ҳисобламаган, ювиш ва тозалаш воситаларисиз тозалик бўлмаслигига ишонган инсон ҳаддидан ошгандир.” Қолаверса ювиш ва тозалаш воситаларидан фойдаланувчилар болалари ва янги туғиладиган чақалоқларнинг бепушт бўлишига сабаб бўладилар. Бундай воситаларни яхши кўрадиганларга илмий ишларнинг тозалик бўлимини ўқиб чиқишларини тавсия қиламан.

Ойдин хоним ҳаётда бўлса эди бу масалада янги бир китоб устида ишлаган бўлардик.

Уни юрак-юрагидан чуқур ҳис қилганлар, замонавий ҳаёт асосидаги ҳар нарсанинг бир қуллик эканлигини теран тушунган ва бундай қулликдан қутулиш йўлларини излаган бўлардилар.

“Дори-дармондан фойдаланиш ва эмлаш, бу бир асоратдир. Бозор ва дўконларда сотиладиган нарсаларга эҳтиёж туғилиши ва мода ҳам бир асоратдир… Ўз эҳтиёжимизни, танловимизни аниқлашимиз, талаб қилишимиз ва ишлаб чиқаришимиз лозим.” — дер эди Ойдин Солиҳ.

Унинг сабоқлари ва конференциялардаги маърузалари одамларни шу қадар ларзага солар эди-ки, уни эътибор билан тингламоқликдан ўзга чора қолмасди. У тушунтираётган нарсаларни илк маротаба эшитаётганингиз туфайли, ҳамда ундаги олимлик маҳобатидан 3-4 соатлаб қимирламасдан уни эшитиш мумкин эди. Она тили туркча эмаслигига қарамасдан сўзлаши, тушунтириши шу қадар гўзал эди-ки, у гапирар экан сўзлари бошқача бир маъно касб этар, маънолар ўзларига янгидан-янги маънолар юклар эди.

Касалликнинг аслида нима эканлигини, шифонинг дунё ва охиратни ичига олган бир тушунча эканлигини ундан ўргандик.

У ўз вазифаси бажарди, ўз тавсиялари асосида яшади, китобида тушунтирганидек бу дунёдан кўз юмди. Аллоҳ биз талабаларига унинг мақсади ва ойдин йўлини биргаликда давом эттиришни насиб айласин!

Хадича Мисга (Hatice Misge)
Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди
Манба: 1-қисм — sadesifa.com
2-қисм — sadesifa.com

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов